

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ
КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ
ИЖРОИЯ ҚўМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ**

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида
2022-2024 йилларга тузилган икки томонлама тармоқ
жамоа келишувининг 2023 йилда бажарилиши ҳамда
ўзгартериш киритиш тұғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида 2022-2024 йилларга тузилган икки томонлама Тармоқ жамоа келишувининг 2022 йилда бажарилиш якунлари тұғрисидаги ижтимоий-мехнат масалалари бүйича икки томонлама комиссияси баённомасини ҳамда Тармоқ жамоа келишувига киритилаётган ўзгартеришни муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Ижроия қўмитаси қарор қиласди:

1. 2022-2024 йиллар учун тузилган икки томонлама Тармоқ жамоа келишувининг 2023 йилда бажарилиши тұғрисидаги Ижтимоий-мехнат масалалари бүйича икки томонлама комиссия баённомаси ахборот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида ижтимоий-иктисодий ва мехнат муносабатлари бүйича 2022-2024 йилларга тузилган Тармоқ жамоа келишувининг 2023 йилда бажарилиши қоникарлы деб топилсисин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши билан биргаликда ижтимоий-иктисодий ва мехнат муносабатлари бүйича 2022-2024 йилларга мұлжалланиб тузилган Тармоқ жамоа келишувига 1-иловага мувофик ўзгартериш киритилсисин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашига Тармоқ жамоа келишувини амалда татбиқ этилишини таъминлаш вазифаси юклатилсисин.

6. Қоракалпогистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соглиқни сақлаш бошқармалари ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг худудий кенгашларига:

ташкилот ва муассасаларда имзоланаётган жамоа шартномаларини тармоқ жамоа келишуви ҳамда худудий жамоа келишувлар билан мувофиқлигини таъминлаш;

мазкур тармоқ жамоа келишуви, худудий жамоа келишувлар ҳамда жамоа шартномалари ижросини таъминлаш борасидаги масъулиятни янада ошириш вазифаси юклатилсисин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги тизимида кирувчи муассасалар иш берувчилари касаба уюшма ташкилотлари билан биргаликда 2022-2024 йилларга мўлжалланган Тармоқ келишувиning ижросини жойлардаги тегишли жамоа шартномалари орқали амалга оширасин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги тасарруфидаги барча ташкилот ва муассасаларга уларда тузилган жамоа шартномаларнинг 2023 йилда бажарилишига бағищланган йигилиш (конференция)ларни жорий йилнинг апрель ойигача ўтказиш вазифаси топширилсин.

9. Мазкур қўшма қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси соглиқни саклаш вазири вазифасини бажарувчи А.А.Худаяров ҳамда Ўзбекистон Соғлиқни саклаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Ф.Р.Ханапияев зиммаларига юклатилсин.

Соғлиқни саклаш вазири
вазифасини бажарувчи

А.А.Худаяров

Тошкент ш.,

2024 йил 6 марта

N° 2




Ўзбекистон Соғлиқни саклаш
ходимлари касаба уюшмаси
Республика Кенгаши раиси

Ф.Р.Ханапияев

Тошкент ш.,

2024 йил 6 марта

N° 14 - 10. c"



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги ва Ўзбекистон Соглиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия Кўмитасининг 2024 йил
6 марта даги 2-сонли ва
14-10-с "С"-сонли қўшма
карорига

1-илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ВА ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА
УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ЎРТАСИДАГИ
2022-2024 ЙИЛЛАРГА ТУЗИЛГАН ТАРМОҚ ЖАМОА КЕЛИШУВИГА
КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ**

1. 3.21.-банд чиқариб ташлансин:

"3.21. Мазкур келишувда белгиланган, шунингдек қонунчилик ҳужжатларида ва жамоа шартномаларида белгиланган қўшимча таътилларга иш жойлари аттестацияси бўйича хulosада белгиланган қўшимча таътиллар, МКнинг 220-ва 401-моддалари асосида, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарорига асосан бериладиган қўшимча таътиллар хам қўшиб берилади.

Яъни, асосий таътил – 21 календарь кун (МК) + қўшимча таътил – 9 календарь кун (ТЖК) + иш жойлари аттестацияси натижаси бўйича қўшимча таътил куни + МК 220- ва 401-моддалари асосида бериладиган (алоҳида холатларда) қўшимча таътиллар) + алоҳида тусдаги заарли ва ўта заарли меҳнат шароитда (ВМ 133-карори) ишлаганлиги учун 12 кун микдордаги таътиллар миқдори йиғиндисидан иборат бўлади."